



# АЗМУ ШИЖОАТЛИ, БИЛИМЛИ ВА БУЊЁДКОР ЁШЛАР УЧИНЧИ РЕНЕССАНС АСОСЧИЛАРИ, МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИДИР

Кўксарой қароргоҳида 24 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан навбатдаги мулоқоти бўлиб ўтди



Давлатимиз раҳбарининг навқирон авлод вакиллари билан учрашуви анъанавий тус олган ва ҳар галги мулоқотни ёшларимиз интиқлик билан кутади. Бу бежиз эмас. Мазкур мулоқотларда нафақат ёшларга, балки бутун мамлакатимиз тараққиётига дахлдор кўлаб масалалар ўртага ташланади. Ёшлар таклиф ҳамда ташаббуслари эшитилиб, ечимлар берилди. Шу тариқа миллий тараққиётимизнинг жўшқин суръати белгиланади.

Бу галги мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги студиялар орқали 60 мингдан зиёд ёш авлод вакиллари иштирок этди. Шунинг ўзидек мулоқотнинг нечоғлиқ муҳим ва аҳамиятли эканини аниқлади.

Президентимиз 2022 йилда мамлакатимиз ўғил-қизларини Ёшлар куни билан табриклаб, нутқ сўлаганида ёшларга халқ шонини Рафур Ғулломнинг сўзлари билан мурожаат қилганини бугун ҳам унутганимиз йўқ:

“Сиз ахир осмонни олмак бўлсангиз, Не учун елкамни тутиб бермайсиз?”.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон ёшлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, ҳар томонлама қўллаб-қувватланган. Улар юрт таянчи, мамлакат тараққиёти кафолати сифатида кўрилиб, юксак ишонч

билдириб келинмоқда. Ўз навбатида, ёшларимиз ҳам турли жабҳаларда ўзларини намояндалар этипти. Бу давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан навбатдаги мулоқотида айтилган фикр ва мулоҳазаларда, гоё яна ташаббусларда яна бир қарра ўз исботини топди.

Ёшлиқни умр баҳорига қиёслашди. Бунинг ҳам ўзига хос жиҳати бор. Яъни баҳор атроф-муҳитни уйғотувчи, жонланишга ундовчи табиат қондаси бўлса, инсоннинг ёшлиқ давридаги ҳар қандай эзгу ҳаракати бутун умрига татигувчи мақсадни аниқлади. Шу жиҳатдан юртимизга айна баҳор фасли кириб келиши олдиндан ташкил этилган мулоқот ҳам алоҳида маънога эга. Бинобарин, ёшлиқда олинган билим, илм, касб-хунар олтинга тенг. Қувонарлиси шундаки, бугун юртимизда ана шу олтинга тенг лаҳзалардан унумли фойдаланиш орқали элига наф келтираётган олтин авлод вояга етмоқда. Уларни ҳар соҳада суяб, қўллаш, елка тутуш эса янги Ўзбекистон зиммасидаги долзарб ва устувор вазифага, ислохотларнинг бош мазмун-моҳиятига айланган.

Президентимизнинг ёшлар билан шахсан учрашиб, очик мулоқот қилиши, дилдан суҳбатлашиши ана шу сиёсатнинг энг ёрқин ва унутилмас воқеасидир.

Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 22 миллиондан зиёди ёшлардан иборат. Давлатимиз раҳбари мулоқот аввалида буни алоҳида таъкидлар экан, “**Юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз тимсолида биз жуда кагта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучни кўрамиз**”, деди.

Дарҳақиқат, бугун ёшларимиз томонидан қўлга киритилётган муваффақиятлар ҳам, бунга замин бўлаётган имкониятлар кўлами ҳам тобора ортиб бормоқда. Яратилган кенг имкониятлар натижасида сўнгги йилларда ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медални қўлга киритди.

Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида тахсил олаётган ёшлар сафи 500 нафардан, ТОП-100 талафда ўқиётган ўғил-қизлар сони 3,5 мингдан ошди.

Янгиликка интилувчан ёшларимиз яратган 63 та стартап лойиҳа АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар бозорига кириб бори. Яъни улар энди ўз ақл ва меҳнат маҳсулларини жаҳон бозорига олиб чиқётган авлодга айланмоқда.

Ёш спортчиларимиз халқаро ареналарда 720 та олтин, 671 та кумуш ва 854 та бронза медал соҳиби бўлди. Бугун ёш

тадбиркорлар юртимиздаги бизнес вакиллари 35 фозини ташкил этмоқда.

Ёшлар хусусида гап кетганда, тарбия ва таълим масаласи биринчи навбатдаги устувор вазифа сифатида юзага чиқавради. Чунки ўсиб келаётган ёш авлод ерга қадалган янги ниҳолдек нозик, эътибор-талаб бўлади. Яъни улар айна шу паллада парваришга муҳтож. Ҳозирги кунда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ёшларни тўғри йўлга бошлаш, қулай ўқиш ва иш муҳитини яратишдир. Жумладан, боланинг интеллектуал, ижтимоий ва маънавий ривожланишида ҳал қилувчи босқич ҳисобланган мактабгача таълим йўналишидаги ишлар тўғрисида мактабгача таълим билан қамров 78 фозига етди. Айни пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган хусусий ўқув марказлари сони 38 мингдан ошди. Кейинги олти ойда худудларда 120 дан зиёд ўқув маркази иш бошлади. Бу кўрсаткич янада ортади. Негаки эндиликда олис худудлардаги ўқув марказлари ўқитувчилари даромад солиғи 7,5 фозга туширилади. Эҳтиёжманд оилалар фарзандларини бепул ўқитган ўқув марказлари ер ва мол-мулк солиғидан озод этилади.

Мулоқотда таъкидланганидек, ҳар йили меҳнат бозорига 600 минг ёш кириб

келмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллионга етади. Бу уларни ўз қизиқиш ва имкониятига мос иш билан таъминлаш муҳим масала, дегани.

Ёшлар ўртасидаги сўровнома натижасига кўра, уларнинг учдан бири тадбиркор бўлиш истагини билдирган. Ўтган йили “Ёшлар бизнеси”, “Келажакка қадам” дастурлари ҳисобидан 15 минг ёш ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, 50 минг одамни иш билан таъминлаган. Бу йил эса ёшлар тадбиркорлиги учун қўшимча равишда яна 200 миллион доллар ажратилади.

Ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллиондан 300 миллион сўмгача оширилади. Ёш тадбиркорлар лойиҳалари учун 10 миллиард сўмгача кредит ажратиш мумкин бўлади. Инновацион стартап лойиҳаларга эса 100 минг долларгача инвестиция киритишга руҳсат берилди.

Сервис ва умумий овқатланиш соҳасида мингдан зиёд иш ўрни яратган маҳаллий брендлардан франшиза олиб, филиал очиб чиқариётган ёшлар учун қулай молиялаштириш пакетлари жорий қилинади.

Бунда, албатта, ёшларнинг маҳалла ҳаёти, техникум ва олийгоҳлардаги ўқиши, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги фаолияти муҳим. Яъни эндиликда

олий ўқув юртлари раҳбарлари ёшларни ўқитиш баробарида, ишли бўлишида ҳам масъулиятни зиммасига олиши керак. Бунинг учун улар ишлаб чиқариш субъектлари, хизмат кўрсатиш корхоналари, умуман, барча тармоқлар билан алоқани мустаҳкамлайди. Масъуллар томонидан қилинган ишлар мунтазам таҳлил қилиб борилади.

Таълим ва фан соҳасига инвестиция — келажак учун сармоя. Бинобарин, иқтисодий ўсишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири инсон капитали экан, юртимизда қилинаётган ишлар, амалий саъй-ҳаракатлар айни шунга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексида энг тез суръатларда ривожланаётган давлат сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас. Жорий йилда Тошкент шаҳрида Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи ташкил этилиши, Самарқанд шаҳрида Ёшлар парламенти аъзоларининг 12-глобал конференцияси, “Take Off” халқаро стартап саммити ва 46-жаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилиши бу мақомни янада мустаҳкамлайди.

► Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎРТАСИДА КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Беларусь Республикаси Бош вазир Александр Турчинни қабул қилди.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг самимий саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ҳамкорлик, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада юқори даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йили товар айирбошлаш 25 фозга ўсиб, қарийб

1 миллиард долларга етди. Етақчи компанияларнинг устувор тармоқлардаги кооперацияси кенгайиб бормоқда.

Машинасозлик, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгартириш орқали иқтисодий ҳамкорликнинг янги кун тартибни шакллантириш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, худудларо алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

ЎЗА

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Буюк ўзбек йўли

## ЖАҲОН СИЁСИЙ МАРАФОНИДА ЕТАҚЧИГА АЙЛАНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5-6 февраль кунлари Покистон Исломи Республикасида давлат ташрифи давлатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга асос яратгани билан тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Бинобарин, ташриф давомида эришилган келишув ва шартномалар нафақат мамлакатларимиз, балки Марказий ва Жанубий Осиёни ўзаро боғловчи, тўлдирувчи сифатида ҳар икки томонга улкан имкониятлар тақдим этади. Агар масалалар Ўзбекистон манфаати нуқтаи назаридан қарасак, Покистон портлари денгиз йўлига чиқишимиз учун дунё бозорига элтувчи дарвозаларнинг олтин калити вазифасини бажаради. Ўз навбатида, Покистон ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш, мамлакатимиз билан дўстона муносабатда бўлиш тарафдори.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбарига “Нишони Покистон” ордени топширилди. Маросимда иштирок этган Покистон Бош вазир Шайх Абдул Фаттоҳ Шайх Шайх Шариф “Нишони Покистон” ордени билан ҳам юксакроқ мукофот бўлса, унга ҳам энг муносиб шахс Шавкат Мирзиёев бўлишини таъкидлаб, лутф этди. Бу эътироф Президентимиз билан бирга янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида хизмат қилаётган халқимизга кўрсатилган юксак эҳтиром рамзидир.

► Давоми 3-бетда





Мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяр экан, ислохотлар самараси энди амалдаги натижа билан баҳоланмоқда. 2026 йил учун қабул қилинган давлат дастури ана шу тамойилга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган ва стратегик мақсадларни аниқ амалий механизмлар билан уйғунлаштирган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир.

ЎЗБЕКИСТОН  
2030

## НАТИЖАДОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ

Мазкур дастур “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида белгиланган устувор вазифаларни изчил давом эттириб, иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга, унинг самарасини аҳоли фаровонлигига йўналтиришни кўзда тутади. Унда иқтисодий модернизация қилиш, саноатни диверсификациялаш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, инвестиция муҳитини яхшилаш каби вазифалар белгиланган.

Иқтисодий ислохотлар янги иш ўринлари очиб, аҳоли даромадини ошириш ва ички бозор барқарорлигини мустақамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва инновацион ўсиш моделини шакллантириш глобал рақобат шароитида мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлайди.

Дастурда маҳаллаларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки ислохотларнинг ҳақиқий самараси жойларда, аҳоли ҳаётида намоён бўлади. Инфраструктурани яхшилаш, бандликни таъминлаш, ижтимоий муаммоларни манзилли ҳал этиш — барчаси маҳаллада амалга оширилади. Бу эса маҳаллий кенгашлар ва депутатлар зиммасига

катта масъулият юклайди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида сифат ўзгаришлари қилиш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш каби вазифалар жамиятда адолат муҳитини мустақамлашга қаратилган.

Суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши кураш механизмларини кучайтириш ҳам дастурнинг устувор йўналишларидан.

Депутат сифатида 2026 йилги давлат дастури янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги изчил ва масъулиятли қадамларни таъкидламоқчиман. Унинг муваффақияти ижро интизоми, парламент назорати ва жамоатчилик иштироки самарадорлигига боғлиқ.

Мазкур дастур стратегик мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш орқали барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, ислохотлар инсон манфаатини устувор қўйган тараққиёт модели асосида амалга оширилади.

Гулжан ХАЛИМУРАТОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати

## Юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз тимсолида биз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучни кўрамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

# АЗМУ ШИЖОАТЛИ, БИЛИМЛИ ВА БУНЁДКОР ЁШЛАР УЧИНЧИ РЕНЕССАНС АСОСЧИЛАРИ, МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИДИР

### Бошланиши 1-бетда

Жорий йилдан “Келажак тадбиркори” дастури ишга туширилиб, ёш тадбиркорларга 7 йил муддатга 15 фоизли кредит ажратиш йўлга қўйилди. Хусусан, ўзини ўзи банд қилган ёшларга гаровсиз 20 миллион сўмгача, тадбиркорлик кўникмасига эга бўлиб бизнес бошлаётганларга 300 миллион сўмгача, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, камида 5 нафар битирувчини ишга олган тадбиркорларга эса 10 миллиард сўмгача кредит берилиши белгиланди.

Мулоқотда тадбиркорликни энди бошлаётган ёшларнинг 30 фоизи бизнес кўникмаси етишмаслиги сабаб қийинчиликка учраётгани қайд этилди. Шу боис, ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш, гоёни бизнесга айлантириш, бухгалтерия, банк, маркетинг, ички ва ташқи бозорларга чиқиш бўйича комплекс хизмат кўрсатадиган “Ёшлар бизнес инкубатори” ташкил этилади.

Нуфузли хорижий олийгоҳлар илгор тажрибалар асосида ёшларни тадбиркорликка ўқитишда ҳамкорлик қилишга тайёр экани қайд этилиб, камида 40 минг ёшли бизнесга ўргатадиган “Янги авлод тадбиркорлари” дастурини бошлаб белгиланди. Дастурни муваффақиятли тугатган энг

яхши 1 минг ёшнинг лойиҳасига уч йил муддатга 200 миллион сўмгача 7 фоизли сўда берилди.

Ижтимоий ташаббуслар бўйича “Фикрингни бер (Voice Up)” инклюзив оромгоҳи тажрибаси кенгайтирилиб, уни ҳар бир ҳудудда ўтказиш ва 1 минг ёшни камраб олиш, энг яхши ташаббуслар иштирокида Самарқанд шаҳрида халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳи ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари ёшларни уй-жой билан таъминлаш, китобхонликни оммалаштириш масалаларига тўхталди. Ёш оилалар учун уй-жой ипотека дастури доирасида кредит ставкасининг 14 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилишини айтди.

Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси орқали энг истеъдодли ёзувчиларга ижодий буюртма бериб, бир йил давомида ойига 20 миллион сўмдан ҳақ тўлаш, энг сара хорижий адабиётларни ўзбек тилига ҳамда миллий адабиётни хорижий тилларга таржима қилиш ва чоп этиш харажатининг ярмини қоплаш белгиланди.

Янги ўқув йилига қадар энг яхши 100 та асардан иборат тўпламни тайёрлаб, барча мактаб ва техникумларга етказиш, энг фаол китобхон ўқувчиларни 10 миллион сўмдан муқофотлаш вазифаси қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар билан мулоқот доирасида “Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” — “President Tech Award” лойиҳаси ғолибларининг тақдироти билан танишди.

Мазкур танлов Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги кўмағида 2023 йилдан бошлаб ўтказиб келинмоқда. Унинг умумий муқофот жамғармаси 1 миллион долларни ташкил этади.

Танловда сунъий интеллект, ижтимоий технологиялар, MicroSaaS ва AdTech, молиявий технологиялар ва тадбиркорлик, ўйин дастурлари ҳамда махсус йўналиш — ҳақатон бўйича энг намунали лойиҳалар танлаб олинди.

Илк ташкил этилган танловда тўрт мингдан зиёд иштирокчи қатнашган бўлса, 2025 йилга келиб, уларнинг сони олти мингга яқинлашди. Жамоаларнинг сони эса 444 тандан 862 гага етди.

Давлатимиз раҳбарига танлов ғолиблари ўзларининг стартап лойиҳалари, уларнинг афзалликлари ва амалий самараси хусусида сўзлаб берди.

— Биз кичик стартаплар катта-катта лойиҳаларга, даромадли бизнесга айланиши учун зарур шароитларни яратиб беришга тайёрмиз. Бунинг учун ҳар бир стартапчи билан мулоқот қилиш, унга

керакли ёрдамни кўрсатиш лозим, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз етакчисининг ёшлар билан навбатдаги мулоқоти ҳам ана шундай қизгин ўтди. Айтилган фикрлар, таклиф ва ташаббуслар кўп бўлдики, уларни бир мақолага сиғдириш қийин. Президент ёшларни чин дилдан қўлламоқда. Уларнинг ўқиш-ўрганиши, эркин ва самарали меҳнат қилиши учун қандай шароит керак бўлса, яратиб берилмоқда. Ёшларнинг бугуни ва келажоғи билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга экани айтилмоқда.

Ёшларимиз ҳам бунга жавобан фақат ички имкониятлар билан чекланиб қолмаяпти. Улар коинотни забт этиш йўлида дадил одимламоқда, нуфузли халқаро илмий муқофот ва даражаларни кўзламоқда. Бу гаплар мулоқот чоғида сўз олган ёшлар вакиллари томонидан қайта-қайта такрорланди. Муҳим, бунинг учун барча шароитлар муҳайё этилади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг турли соҳаларга оид таклиф ва ташаббусларини тинглади.

Тадбир давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари ҳам эшитилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ГЛОБАЛ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЗАНЖИРЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ



Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ягона тизим яратилган. Имкониятлардан тўғри фойдаланган тадбиркорлар киска вақт ичида фаолиятини кенгайтириб, саноат соҳаси ва иқтисодий тармоқларига кириб бормоқда. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари ва йирик корхоналар ўртасида саноат кооперацияси йилдан йилга кенгайиб бораётгани қувонарли. Давлат харидларида маҳаллий маҳсулотлар харидини рағбатлантириш ҳам доимий эътиборда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 февралдаги “Маҳаллий ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини янги тизим асосида ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада тадбиркорларга янги имкониятлар эшигини очди.

— Фармон билан саноат кооперацияси ва давлат харидлари соҳасида ягона бошқарувни жорий этиш орқали яхлит ва мувофиқлаштирилган давлат сиёсати юритилишини йўлга қўйиш каби қатор долзарб вазифалар белгиланди, — дейди Иқтисодий ва молия вазирлиги департамент бошлиғи ўринбосари Фурқат Раҳмонов. — Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг глобал етказиб бериш зanjирларига

интеграциялашувини таъминлаш, ўзлаштириш тавсия этиладиган рақобатбардош маҳсулотларни аниқлаш, йирик корхоналарнинг ишлаб чиқариш зanjирларига кичик ва ўрта бизнес субъектларини кенг жалб қилиш каби ишлар шулар жумласидандир. Энг асосийси, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ҳисобига таннархни пайсантириш фармонининг асосий мақсади этиб белгиланди.

Ҳужжат билан Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги ташкил этилди. Иқтисодий ва молия вазирлигининг давлат харидлари соҳасидаги вазифа ва ваколатлари ушбу агентликка ўтказилмоқда. Шунингдек, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги фаолиятининг



асосий йўналишлари, агентлик тузилмасига ўтказиладиган ташкилотлар рўйхати, агентлик бошқарув кенгашининг таркиби тасдиқланди.

Тармоқлар эҳтиёжи ҳамда хорижий тажриба таҳлили асосида ўрта ва узоқ муддатда маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, саноат кооперациясини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади ва амалиётга йўлга қўйилди. Бунда дастурлар драйвер соҳалар ҳамда юқори инвестиция салоҳиятига эга базавий тармоқларни камраб олади. Дастурлар тармоқ ва ҳудудлар томонидан шакллантирилиб, агентлик билан келишилади ва кенгаш томонидан тасдиқланади. Бунинг учун Саноат кооперациясини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилиб, лойиҳалар ушбу жамғарма томонидан молиялаштирилади. Эътиборлиси, бу янги тизим иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

2026 йил 1 июлдан бозорда агентлик республика ва минтақа бошланиш таҳлил қилиб, миллий иқтисодиётга қўшилидиган қиймат зanjирларини оширишга хизмат қилувчи ўзлаштириш тавсия этиладиган рақобатбардош маҳсулотлар рўйхатини соҳалар кесимида босқичма-босқич шакллантиради ва эълон қилиб боради.

Йирик инвестиция лойиҳалари бўйича миллий иқтисодиётга қўшилидиган қийматли комплекс баҳолаш амалиёти жорий

этилади. Яъни эндиликда инвестиция лойиҳалари бошидан охиригача қўшилган қиймат яратилган аниқ тартиб асосида ташкил этилади. Ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича вазирлик, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари музокаралар жараёнида ҳамкорга маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таклиф этади. Натижада саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ўсади ва янги иш ўринлари очилишига замин яратилади.

Бундан ташқари, агентлик ўзлаштириш тавсия этиладиган рақобатбардош маҳсулотлар рўйхатига киритилган товарларни ўзлаштирган тадбиркорлик субъектлари билан ўрнатилган тартибда кафолатли харид шартномалари тузади.

Жорий йилда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши кутилмоқда. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун қатор мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, фармон билан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирлар назарда тутилмоқда.

Хусусан, агентлик хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Саноат кооперациясини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилади ва 2026 йил 1 июлдан бошлаб жамғарма маблаглари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банкларни орқали хорижий

валютада йиллик 6 фоиз, миллий валютада йиллик 12 фоиз ставкада 10 йил муддатга, шу жумладан, 2 йиллик имтиёзли давр билан битта лойиҳа учун 10 миллион АҚШ долларигача кредит ажратилади.

Саноат стартаплари янги турдаги юқори технология маҳсулотларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизигача, бироқ 10 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда ҳар йили энг яхши 10 тагача лойиҳага танлов асосида субсидиялар берилди.

Фармон билан давлат харидларининг самарадорлигини ошириш учун 2027 йил 1 январдан бошлаб кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларидаги иштирокчи кенгайтириш мақсадида давлат харидларида харид предметини технологик зanjирлар, функционал босқичлар ва иш турлари кесимида алоҳида лотларга бўлиш амалиёти жорий этилади. Бунда харид предметини битта лотга бириктиришга фақат иқтисодий самарадорлигини ошириш учун 2027 йил 1 январдан бошлаб кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларидаги иштирокчи кенгайтириш мақсадида давлат харидларида харид предметини технологик зanjирлар, функционал босқичлар ва иш турлари кесимида алоҳида лотларга бўлиш амалиёти жорий этилади. Бунда харид предметини битта лотга бириктиришга фақат иқтисодий самарадорлигини ошириш учун 2027 йил 1 январдан бошлаб кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларидаги иштирокчи кенгайтириш мақсадида давлат харидларида харид предметини технологик зanjирлар, функционал босқичлар ва иш турлари кесимида алоҳида лотларга бўлиш амалиёти жорий этилади.

Фармонда йирик ва аҳамиятли инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш режаси, корхоналарнинг талаби ва буюртманомаларига асосан маҳаллий ва хорижий тизим ташкилотларида мутахассисларни тайёрлаш, технологияни ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида мутахассислар маълумоти ошириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Шунингдек, саноат кооперациясини ривожлантириш, янги рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштиришда бевосита қатнашганлиги учун вазирлик, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотларнинг бошқаруви, муҳандис-техник ва бошқа ходимларини йиллик бир марта тўланадиган муқофотлар тарзида моддий рағбатлантириш тизими жорий этилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу фармон Ўзбекистонда маҳаллий ишлаб чиқариш, саноат кооперацияси ва давлат харидлари соҳасида туб институционал ислохотларни бошлаб берувчи стратегик ҳужжатдир. У нафақат иқтисодий ўсишни, балки кичик бизнес ривожини, технологик мустақиллик ва миллий иқтисодийнинг глобал рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган билан янада аҳамиятли.

қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг фаолиятини идораларо ахборот алмашинуви орқали автоматик тарзда баҳолаш имконини берувчи электрон скоринг тизими ишга туширилади. Бу тизим воситасида иштирокчиларга давлат харидларидаги “юқори”, “ўрта”, “паст” ва “энг паст” ишончилилик даражалари берилди.

Фармон билан иштирокчиларни рағбатлантириш мақсадида бир қатор янги тартиблар жорий этилмоқда. Яъни “юқори” ишончилилик даражасига эга иштирокчилар учун гаров пули тўлаш талаб этилмайди. Энг яхши таклифларни танлаш ва тендер савдоларда иштирокчилар томонидан тақдим этилган таклифларга ишончилилик даражасига мутаносиб равишда қўшимча балл берилди.

Давлат харидлари соҳасида “энг фаол тадбиркор” танловида давлат харидларидаги ишончилилик даражаси “юқори” бўлган давлат харидлари иштирокчиларининг номзодлари қўллаб-қувватланади.

Фармонда йирик ва аҳамиятли инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш режаси, корхоналарнинг талаби ва буюртманомаларига асосан маҳаллий ва хорижий тизим ташкилотларида мутахассисларни тайёрлаш, технологияни ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқариш заводларида мутахассислар маълумоти ошириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Шунингдек, саноат кооперациясини ривожлантириш, янги рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштиришда бевосита қатнашганлиги учун вазирлик, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотларнинг бошқаруви, муҳандис-техник ва бошқа ходимларини йиллик бир марта тўланадиган муқофотлар тарзида моддий рағбатлантириш тизими жорий этилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу фармон Ўзбекистонда маҳаллий ишлаб чиқариш, саноат кооперацияси ва давлат харидлари соҳасида туб институционал ислохотларни бошлаб берувчи стратегик ҳужжатдир. У нафақат иқтисодий ўсишни, балки кичик бизнес ривожини, технологик мустақиллик ва миллий иқтисодийнинг глобал рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган билан янада аҳамиятли.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“Хужжатга мувофиқ, жорий йил 1 июлдан бошлаб воситачи-брокер ва дилерларга ишлаб чиқарувчилар билан шартнома тузиш орқали улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни давлат харидларида сотиш ҳуқуқи берилди.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Санжар ЭШМУРОДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

## Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги улкан янгиликлар, шиддатли юксалишлар, кўлаги кенгайиб кетган тарихий натижаларга халқаро ташкилотлар вакиллари, машҳур сўзсатчилар ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқда ва эътироф этмоқда. Бунга охириги 9 йилдаги иқтисодларнинг рақамларида Ўз аксини топаётгани, мамлакатимиз минтақанинг муҳим сиёсий, иқтисодий-иқтисодий марказига айланиб улгургани бирламчи омили бўлмоқда. Булардан Ўзбекистон тараққийнинг энг мақбул, қисқа ва тўғри йўлидан бораётганини билиши мумкин.

## Соат миллари тўғрилик олдинда

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қайд этилганидек, ўтган йил мамлакатимиз учун тарихий воқеаларга бой, энг самарали йил бўлди. Жумладан, юртимиз тарихида биринчи марта янги ички махсулот ҳажми 145 миллиард доллардан ошди. 5 миллион ватандошимиз даромадли бўлиш ҳамда мамлакатимиздаги иқтисодларнинг 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион ахтир-ажамид камбағалликдан чиқди. Илк бор 1435 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айланди.

Албатта, ушбу натижалар халқаро рейтинг ва кўрсаткичларда ҳам намоён бўлмоқда. Жумладан, етакчи халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг суверен рейтингини "ВВ-"дан "ВВ" погонасига кўтарди. Шунингдек, Жаҳон банки эълон қилган Давлатларнинг технологик етуқлик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқори кўтарилиб, етакчи 10 мамлакат қаторидан жой олди. Еки бўлмаса, Sustainable Development Solutions Network ташкилотининг

2025 йилги ҳисоботида кўра, Ўзбекистон барқарор ривожланиш индекси бўйича 73,1 балл билан 167 мамлакат орасида 62-ўринни эгаллади. Бу минтақадаги энг яхши кўрсаткичлардан биридир. Шу боис, Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида шу ўсиш суръатини барқарор ушлаб қолиш асосий вазифа этиб белгиланди. Шунингдек, 2026 йил аввалида ҳар йили ҳам амалга оширилавермайдиган амалиёт, дунё мамлакатлари тарихида камдан-кам бўладиган ҳолат — Ўзбекистон 2030 йилга қадар турли жабҳаларда эришиши кутилаётган марралар қайтадан кўриб чиқиши белгиланди. Янги таҳрирдаги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида Ўзгаришларнинг барчаси маррани янада баландроқ олишга қаратилди.

Масалан, амалдаги стратегияга кўра, янги ички махсулот ҳажмини 2030 йилгача 160 миллиард долларга етказиш белгиланган эди. Аммо мамлакатимиз салоҳияти, тадбиркорлик ривож, хориқлик шериклари билан ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётгани ҳисобига бу маррага 2026 йилнинг ўзида эришиш мумкинлигини келиб чиқиб, янги мақсад белгилаш зарурати пайдо бўлди. Шу тариқа бу кўрсаткич 240 миллиард долларга ўзгармоқда.

Бундан ташқари, ишсизлик даражасини аввал 7 фоизга тушириш режа қилинган бўлса, бугунги ислохотлар шиддатидан келиб чиқиб, ушбу кўрсаткич 4 фоизга камайтириш кўзда тутилмоқда. Умуман, 2030 йилгача аҳолига жон бошига тўғри келадиган даромадни 5800 долларга етказиш белгиланди.

Биргина иқтисодий рақамлар эмас, ижтимоий-сиёсий, маданий соҳалардаги кўрсаткичлар ҳам сезиларли даражада кўтарилиши кутулимкоқ.

Қисқаси, йил аввалида соат милларини тўғрилик, олдимизга қўйилган буюк мақсад — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида марафонга чиққан спортчидек шиддат билан илгариланмоқда.

## Халқаро рейтинглар — ҳақиқий барометр

Давлатлар учун халқаро рейтинглар алоҳида ўрин тутди. Уларнинг давлат тараққийети учун муҳим жиҳати шундаки, рейтингларда кўтарилишга қараб қўллаб-қувватловчилар кўпайди. Халқаро сиёсий майдондаги имаж ортиб боради. Шу маънода, 2025 йили Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни юқорилагани оддий факт еки рақам эмас, орта қайтмас ислохотлар ҳосиласидир.

Етакчи халқаро рейтинг агентликларининг мамлакатимиз суверен рейтингини "ВВ-"дан "ВВ" погонасига кўтариши ортидан четдан жалб қилинадиган ресурсларнинг фоиз ставкаси 1-1,5 пункт пасайиб, ташқи қарз харажати йилига камида 300 миллион долларга камайди. Шунингдек, инвестициялар ҳажми бир неча баробар ортди. Хусусан, хориқий инвестиция ҳажми 43,1 миллиард долларга етди. Жами сармомиянинг янги ички махсулотдаги улуши 31,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу кейинги йилларда ҳам барқарор ривожланишга ҳисса қўшади.

Ўзбекистоннинг халқаро имижни яхшилашда 2025 йили ўтказилган турли халқаро тадбирлар ҳам муҳим ўрин эгаллади. Хусусан, юртимиз глобал масалалар муҳофиза қилинадиган халқаро мулоқот майдонига айланиб бормоқда. Ўтган йили Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси,

# ЖАҲОН СИЁСИЙ МАРАФОНИДА ЕТАКЧИГА АЙЛАНМОҚДА



## Буюк ўзбек йўли

ЮНЕСКО Бош конференцияси, "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити ва халқаро иқлим форуми каби йирик халқаро тадбирларга мезбонлик қилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бу Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий майдонда фақат кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчи айланиб бораётганини билдиради. Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатда битта субъект сифатида бўй кўрсатиши кўпчиликни халқаро масалаларда минтақа мамлакатлари билан ҳисоблашга мажбур этди. Бир сўз билан айтганда, минтақа дунё эътиборини ўзига жалб қилишга халқаро майдонда ўз сўзи, стратегияси, мақсадларига эга бўлиши ҳамда бошқалиқнинг буни ҳурмат қилишга эришди. Бунда ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Мақсадли учрашуви ҳамда "Марказий Осиё +" форматдаги саммитлар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Масалан, бу форматда АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи билан Ўзро манфаатли ҳамкорликка, шартнома ва келишувларга эришилди.

Эътиборли жиҳати, бу каби натижалар ривожланган мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиз илқ муносабатида ҳам аққол намоён бўлмоқда. Жумладан, ўтган йили октябрда Брюсселда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши сўзимизни исботлайди. Еки бўлмаса, 2025 йил сўнггида давлатимиз раҳбарини АҚШ Президентини Дональд Трамп Майамидаги катта

йиғирматалик гуруҳи (G20) саммитида кузатувчи сифатида иштирок этишга тақлиф қилди. Шунингдек, 2026 йили Ўзбекистон Швейцариянинг Давос шаҳрида можоронинг кескинлашув хавфини камайтириш, Ғаёо секторинда иқтисодий ва ижтимоий тикланиш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган Тинчлик кенгаши таъсисчиларидан бири бўлгани ҳам катта сиёсий воқеадир.

## Ақл ишонган нарсга вужуд эришади

Давлат ва жамият тараққийетида мамлакатда кечаётган ислохотлар, стратегик мақсадларга аҳолининг ишончи ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Шу боис, Президентимиз давлатнинг бош мақсади аҳолини рози қилиш, камбағалликни қисқартириш, халқимиз фаровонлигига эришиш қисқартириш таъкидлайди.

Ирода ва ишонч. Жорий йилнинг Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили деб номланиши бу йўналишдаги ислохотларнинг 2026 йилда янги босқичга кўтарилишини билдиради. Ўтган ойда Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилуши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселекторда қайд этилган маълумотлар ҳам бунни тасдиқлайди.

Йўналишда ўтган йили эришилган натижалар сарҳисиди қилинди. Жумладан, 2025 йилда

366 минг оила камбағалликдан чиқарилган, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушган. Буларнинг барчаси ислохотлар самараси бўлиб, давлат ва халқ ўртасидаги ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далolat беради. Шундай бўлса-да, ҳали олинган қилинадиган ишлар жуда кўп экани таъкидланди.

Шунингдек, видеоселекторда жорий йил учун 1 миллион кишини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 2,5 баробар ошириб, 3500 тага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизга тушириш вазифалари белгилаб олинди. Бунинг учун жорий йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 140 триллион сўмлик кредит ажратилиши белгиланди.

Президентимиз ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда маҳаллаларнинг иштирокчилигини янада чуқурлаштириш муҳимлигини айтиб, бу борада қўшимча моливий механизмлар сафарбар этилишини таъкидлади. Хусусан, ушбу механизмлар асосан рағбатлантириш ва имтиёз кўринишида аҳолига тақдим этилади.

Масалан, уста деҳқонлар маҳалладаги ҳар 10 та хонадонда экспортбоқ маҳсулот етиштириши йўлга қўйса, 2 миллион сўм, агар бунинг томоржаси бор хонадонларнинг камида 30 фоизда жорий этса, қўшимча 75 миллион сўмдан муқофот олиши мумкин. Бу ишлар камбағалликни қисқартириб, аҳоли фаровонлигига хизмат

қилади. Халқимизнинг келажаққа ишончини мустаҳкамлайди.

Ички хотиржамлик. Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 27 январь кунин Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Танқидий-таҳлилий рўхда ўтган муҳофизада уюшган жиноятчилик, нарқожноятлар, кибержиноятлар ва яширин иқтисодий ё бўйича таъсирчан чораларни кўриш борасида салмоқли ташаббуслар илгари сурилди. Бу йўналишдаги камчилиги ва муаммолар қайд этилиб, уларнинг самарали ечимлари кўрсатиб ўтилди. Хизмат вазифасига панжа орасидан қараганларга тегишли чоралар кўрилди.

Ўзбекистон давлат бюджетини яширин ва кузатилмайдиган иқтисодий туғайли йилига 7,5 триллион сўм зарар кўраётгани айтилди. Гап бир неча миллиард эмас, триллионлар ҳақида кетяпти. Аммо бу яширин иқтисодийнинг жамиятга етказётган кўза кўриш мумкин бўлган моддий зарари, холос.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда асосий бўлин маҳалладаги профилактика хизматлари тўғри ташкил этилмагани учун муаммолар тўпланиб қолган. Жумладан, республикадаги 208 туман орасида Чилонзор оилавий зўравонлик, талончилик, безорилик бўйича, Юнусобод босқинчилик бўйича биринчи ўринда. Еки ўтган йили Яшнобод ва Мирободда қотиллик, Олмазорда ган жараҳати, Шайхонтоҳурда талончилик ҳолатлари кўп бўлгани қайд этилди.

Энг кўп иқтисодий зарар кибержиноятлар ортидан кўрилди. Ушбу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг топиллиши кўрсаткичи камлиги боис ҳам бу борада катта муаммолар бор. Масалан, ўтган йили пойтахтда кибержиноятлар сонин 16 миңдан ортиб, фуқаролар қарийб 2 триллион сўм моддий зарар кўрган бўлса, уларни фож этиш ҳолати 8 фоизга ҳам бормаяпти.

Ингилишда, шунингдек, синтетик нарқотикларнинг 95 фоизи интернет орқали тарқатилиб, тўлов криптовалютада бўлаётгани, нарқоллабораториялар мамлакатда очилаётгани қайд этилди. Фирибгарлик, кичик безорилик, муштумзўрлик каби жиноятчилик зарарлари ҳам қайд этилди.

Ҳолатни яхшилаш учун биринчи ўринда ички ишлар вазирлигини тизимини рақамлаштириш зарурлиги қайд этиб ўтилди. Вазирликнинг патрүль-пост, йўл-патрүль, қўриқчилик ва профилактика хизматлари кабиларни бирлаштириб, ягона тузилма, ягона кучга айлантириш кераклиги айтилди. Соҳага доир "Ҳуқуқни муҳофиза қилиш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш, бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниши таъкидланди.

Ушбу тизимдаги ислохотлар халқимизга хотиржамлик, шаҳарларимизга осийишга бағишлайди. Фарзандларимизнинг кўчада нотўғри йўлларга кириб қолмаслиги учун замин яратди. Тинчлик-тоғуллик, ички хотиржамликни қулайлаштириш ҳамда қилган халқимиз кичик безориликларга чалғимай, давлат ва жамият тараққийети, халқимиз фаровонлигини таъминланган янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ҳаракат қилади.

Давлатларнинг тараққийети йўлидаги ҳаракат кучли сиёсий ирода билан ўз натижасини кўрсатади. Чунки фаровонлик, иқтисодий-иқтисодий барқарорлик қисқа муддатда эришиладиган натижа эмас. Мамлакатимиз тизимли, орта қайтмас ислохотлар билан янги Ўзбекистонни қўриш ғоясига таянган шохсупа томон қатъий, ўз йўлидан оғишмай бормоқда.

# Муносабат

# ФАРОВОНЛИК ДАСТУРИ

## БАРЧА ЎЗГАРИШЛАР, АВВАЛО, АҲОЛИ РОЗИЛИГИДА ЎЗ АКсини ТОПИШИ ЗАРУР

22 миңдан зиёд фикр-мулоҳаза ва таклиф, 337 та банддан иборат амалий чора-тадбирлар, моливаштириш учун 250,5 триллион сўм ва 50,4 миллиард доллар маблағ.



Илҳом СУВАНОВ, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илқий котиби, фалсафа фанлари доктори, доцент

Бу чоралар давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 16 февраль кунин имзоланган Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида"ги фармонда назарда тутилмоқда. Дастур асосида 2026 йилда соҳалар ва тармоқлар кесимида энг муҳим стратегик ислохотлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Қайд этиш керакки, ислохотлар дастури аҳоли учун қулай ва ихчам шаклда тайёрланди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар тўғрисидаги амал қилиш механизми ва йил якуни бўйича эришилган аниқ натижалари билан баён этилган. Хужжатда маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш, иқтисодийнинг технологик ўсиш моделига ўтказиш, янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш, экологийни асраш ва сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш каби бешта устувор йўналиш бўйича муҳим ислохотларни амалга ошириш белгиланмоқда.

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида муҳим ўзгариш ҳисобланади. Яна бир асосий жиҳат — қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 30 фоизга етказиш вазифаси. Бу катта миқдордаги табиий ресурсларни тежаш, иқтисодий тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун янги қувватлар дегани.


Жорий йилги давлат дастури бу каби юзлаб чора-тадбирларни қамраб олган. Уларнинг ҳаммаси бугунги кун учун муҳим ва халқимиз эҳтиёжларидан келиб чиқиб тайёрланди. 23 январдан 1 февралга қадар давом этган муҳофизада 5 миллиондан ортиқ юрtdошимиз давлат дастури лойиҳаси билан танишиб, 22 миңдан ортиғи фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиргани бугун улар ўз келажағига, мамлакат фаровонлигига бефарқ эмаслигини кўрсатди. Таҳлиллар натижасида конструктив деб топилган 1000 га яқин таклиф саралаб олинди, давлат дастури лойиҳасига киритилди.

Бу йилги дастурда ўзига хос ёндашув шуки, ҳар бир ислохот дастури ижроси учун шахсан жавобгар масъул раҳбар ва мувофиқлаштирувчи давлат ташкилот, муддати, моливаштириш манбалари белгиланди.

Жумладан, жорий йилда 59 та норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва стратегик ислохотларнинг назарда тутуви 12 та норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, маҳаллаларда маблагларни йўналтириш борасидаги очик ҳисобдорлик

тизими, коррупцияга қарши курашни янги босқичга олиб чиқиш бўйича аниқ чора-тадбирлар давлат дастурида акс эттирилди. Муҳими, давлат дастури ислохотларни нафақат режалаштириш, балки аниқ натижа ва шахсий жавобгарлик асосида амалга оширишни

назарда тутмоқда. Шунинг учун ислохотлар илк бор соҳалар бўйича алоҳида устувор дастурлар шаклида қабул қилиниб, ҳар бир йўналиш бўйича масъул ижрочилар белгиланмоқда. Бу давлат бошқарувида натижа учун ишлаш тамойили қарор топаётганини билдиради.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

# ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ГУМУСЛИ ОРГАНИК ЎҒИТЛАРНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида тупроқ ҳолатини яхшилаш, биологик табиий фаоллигини ошириш, унумдорлигини сақлаш, шўрланиш, деградацияни камайтириш, ер ости, захкаш, коллектор сувларни тузлардан, зарарли токсикологик бирикмалардан тозалаб, қайта фойдаланишни йўлга қўйиш, пахта ҳосилдорлигини ошириш муаммоларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.



## Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда



**Ғиёзжон РАҲИМОВ,**  
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

учун бериладиган минерал ўғитларнинг катта қисми сугорилаётган сув билан ер остига ювилиб кетиб, ҳосилдорлик пасайишига олиб келяпти, глобал иқлим ўзгаришлари шароитида озик-овқат хавфсизлиги, сув танқислиги, экология, атроф-муҳит ва ҳавонинг зарарланишига сабаб бўлмоқда.

2025 йил 17 ноябрда давлатимиз раҳбари пахтачиликда самарадорлиқни ошириш ва илгор технологиялар асосида ривожлантириш бўйича таклифлар тақдими билан танишди. Паст ҳосил олаётган фермерлар билан манзилли ишлаш, илгор агротехнологиялар ва озиқлантириш амалиётларини тўғри жорий этиш, агроном тайёрлаш тизimini тубдан ислоҳ қилиш чоралари белгилаб олинди. Президентимиз таклифларни маъқуллаб, тегишли топшириқлар берди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган тупроқлар гумус билан кам таъминланган. Унинг ўртача миқдори 0,4-2 фоизни ташкил этади. Охириги 30-40 йил ичида сугориладиган экин майдонларида гумус миқдори 35-40 фоиз камайди. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш давомида гумус моддаларининг минераллашуви натижасида экин турига агротехник чораларга боғлиқ равишда ҳар гектар экин майдонидан гумус миқдори йилга 0,5 тоннадан 2 тоннагача камади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда шўрланган, деградацияга учраган, гумус миқдори, унумдорлиги паст ерлар умумий сугориладиган ер майдонларининг 40 фоизга яқин қисмини ташкил этади. Экинларнинг оптимал даражада ўсиб ривожланишида энг асосий катализатор бўлган гумус миқдори камайиши оқибатида унумдорлик ва ҳосил пасайиб, сув танқислиги янада кучаяди.

Бу ҳолат ҳозирги вақтда ер юзининг барча қисмида, жумладан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам катта муаммо бўлиб қолмоқда. Тупроқда ўсимликлар учун зарарли



**Нажмиддин УСАНБОЕВ,**  
ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор

бўлган ўсимликларни кўпайтиришни чегаралаб қўяди.

Шўрланишнинг сабаблари ҳақида фикр қиладиган бўлсак, бирламчи — табиий ҳамада иккиламчи сабаблар, яъни инсон фаолияти натижасида келиб чиқишини муҳокама қилишимиз зарур.

Табиий шўрланиш қуроқ иқлим ва буғланишнинг юқорилиги, минералланган ер ости сувларининг яқин жойлашгани

уларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши хусусиятига эга бўлган Фитобиосол препаратининг титри  $\geq 108$  КОЕ/мл бўлган суюқ препаратидан томчилаб сугоришда фойдаланиш мумкин экани аниқланган ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинган.

Тупроқни шўрдан тозалашга Фитобиосол препаратидан 2 хил усулда фойдаланиш мумкин.

Биринчиси, чигитни экишдан олдин Фитобиосол препарати билан аралаштирилган сувда ивйтиш.

Иккинчиси, томчилаб сугоришда тавсия, қўлланимлар асосида фойдаланиш.

Фитобиосол препаратининг нормаси бир гектар ерга 6 литр ҳисобида тавсия қилинган. Бу миқдор чигитни экишдан олдин ивйтишда 60 литр сувга аралаштирилади. Томчилаб сугориш тизимида бир гектар ерга қанча миқдорда сув сарфланса, шунга 6 литр фитобиосол аралаштириб берилади. Фитобиосол препарати технологиясини қўллашда ЎзФА Микробиология институти олим ва илмий ходимлари қафолатли ёрдам беради.

### Саноат усулидаги гумусли суперфосфатни қўллаш

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан гумусга бой оддий суперфосфат ўғитини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда ўғитларни ердан фойдаланувчиларга шартнома асосида етказиб беришни йўлга қўйиш белгиланган. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва тупроқлар унумдорлигини яхшилаш мақсадида ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти илмий ходимлари томонидан яратилган “Elkimyo-Agroximyo” корхонасида 2025 йилда 7,4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиди ва фермер хўжалиқларига етказиб берилди.

Гумусли оддий суперфосфат ҳамда био-гумус каби органик ўғитларни қўллаган хўжалиқларда пахта ҳосилдорлиги 2024 йилдаги 28,2 центнердан 2025 йилда 37 центнерга етган. Шунинг учун ҳозирдан бошлаб “Elkimyo-Agroximyo” корхонасида ишлаб чиқарилаётган ҳамда республикаимизнинг барча вилоят, туман фермер хўжалиқларида синовдан ўтган гумусли оддий суперфосфатни талаб даражасида олиш ва қишлоқ хўжалиги экинларида қўллаш тавсия этилади.

Гумусли оддий суперфосфатни пахта майдонларининг ҳар гектарига 2 тоннагача қўллаш лозим. Ушбу ўғит солингандан ерга кўп миқдорда органик ўғит билан бирга бир гектар ер майдонига 140-150 килограмм таъсир қилувчи модда ҳисобида фосфор тушади.

### 40 минг тонна қўшимча ҳосил — иқтисодий самарадорлик

2025 йилда республикаимиз пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун давлат томонидан субсидия ажратиш тажрибаси синовдан ўтказилди. Президентимизнинг 2024 йил 13 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2025 йилда тажриба тариқасида пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича ердан фойдаланувчиларга давлат боджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар ер учун бир миллион сўмдан субсидия ажратилди. Бошқача айтсак, 13 та туманда фаолият юритаётган 1692 фермерга



пахта майдонларида гумусли органик ўғитларни қўллаш учун 55,8 миллиард сўм берилди.

Натижада ҳосилдорлик 2024 йилдаги нисбатан гумусли ўғитлар қўлланган туманлар — Пошта гектарига 16,2 центнер, Жарқўрғонда 14,8 центнер, Улуғнорда 11,8 центнер, Вобкенда 8,32 центнер, Сайхун-ободда 6,5 центнер ошди. Шунингдек, бундай майдонларда ҳосилдорлик ошиши билан бирга минерал ўғит сарфи 30 фоизгача қисқарган.

Жарқўрғон туманидаги “Оққўрғонлик Асадбек” фермер хўжалигида 17 гектар ерга гумусли органик ўғит солиш ҳисобида гипсли тупроқда ҳам ғўза бир хил ривожланган, сув ва ўғит сарфи камайган. Қарши туманидаги “Худойбердиев Комил” фермер

Фосфорит ва қорамол гўни асосида компост тайёрлаш йўли билан фермер хўжалиқларининг ўзида фосфор-гумусли органик ўғит тайёрлаш имкони бор. Бунинг учун қорамол гўни ноқондицион фосфорит билан 100-10 оғирлик нисбатда, яъни 1000 килограмм қорамол гўнига 100 килограмм фосфорит хомашёси билан 55-70 фоиз намликда аралаштирилади. Ўғит, яъни компост эни 1,5-2 метр, чуқурлиги 0,5-1 метр ва узунлиги 10-20 метр бўлган жойга 1,5-2 метр баландликда зичламасдан ташланади. Устидан 5-10 сантиметр қалинликда тупроқ билан қопланади. Ҳар ойда компостнинг устки қисмидаги тупроқ алоҳида ажратиб олиниб, аралашма намлиги 65-70 фоизга етгунга қадар сувланади ва аралаштирилади. Сўнгра тупроқ билан қайта қопланади. Ўғит камида 3 ой муддатда тайёр бўлади. Унинг сифати лабораторияда таҳлил қилинади.

Юқорида келтирилган тартибга асосан тайёрланган фосфорли-гумусли ўғитни пахтага, галлага, сабзавот ва полиз экинларига бериш лозим. Ушбу ўғитнинг 1 тоннасида намлигида боғлиқ равишда 1-2 фоизгача  $P_2O_5$  бўлади. Уни 1 гектар пахта майдонига 5 тоннадан 10 тоннагача қўллаш тавсия этилади. Агар ҳар гектар пахта майдонига 10 тоннагача қўлланилса, бу ҳолда 1 гектар майдонга юқоридаги миқдорда органик ўғит билан биргаликда 150 килограмм  $P_2O_5$  ҳисобида фосфор тушади. Бу ўртача йилда ғўза ўсимлиги учун меъёрдаги фосфор ҳисобланади. Бугунги кунда бу тавсияни амалга ошириш жуда муҳим. Айни пайтда аммофос ўғитининг 1 тоннасини хўжалиқлар 9,5 миллион сўмдан сотиб олади. Агар фермер хўжалиқлари юқоридаги келтирилган тавсиялар бўйича уни ўзларида тайёрласа, ҳар тоннаси ўртача 3,5-4 миллион сўмдан тушади.

Энг аҳамиятлиси, тупроққа катта миқдорда органик ўғит солинса, улар мавсум давомида берилган минерал ўғитлар ҳамда тупроқдаги фойдали минералларни ўсимлик ўзлаштири оладиган шаклга ўтишига таъсир этади. Натижада кўчатлар тўлиқ униб чиқади, ривожланади. Шоналашда ва гуллашда ҳосил тўкинмайди. Ҳосилдорлик юқори бўлади. Шунингдек, намлик сақланиб, сугоришда сув сарфи камайиб, тупроқда филтрация шароитлари оптималлашади. Берилган минерал ўғитлар ер остига ювилиб кетишининг олди олинади.

Фосфор-гумусли ўғит таркибидаги фосфор миқдоридан келиб чиқиб, уни тупроқдаги озуқа элементлари камайишига қараб вегетация даврида ҳам бериш мумкин. Унинг таркибида ғўза ўсиб ривожланиши учун энг зарур фаол моддалар бўлгани билан ҳам бошқа ўғитлардан фарқ қилади.

Ҳозирги вақтда биргина Тошкент вилоятида бир йилда 100-200 минг тоннагача фосфор-гумусли, био-гумус ҳамда 1 миллион гектар ерга етадиган Биоклад — А каби органик ўғитлар ишлаб чиқариш имкони бор. Янгиёул, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Зангиота, Ўрта Чирчиқ туманларида бу ишлар жуда катта салоҳият ва эътибор билан йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти олим, мутахассис ва илмий ходимлари барча вилоят, туман хўжалиқларига бориб, ушбу тавсия бўйича фосфор-гумусли органик ўғитни тайёрлашда амалий ёрдам беришга тайёр.

### ОРГАНИК ЎҒИТ МЕЪЁРИДА СОЛИНГАНДА:

1. Тупроқнинг pH буферизацияси яхшиланади.
2. Минераллар ўсимлик томонидан фаол ўзлаштирилади.
3. Ғўза кўчатлари тўлиқ униб чиқади.
4. Гармсел вақтида ҳам шона тўкилмайди.
5. Намлик сақланиб, сув сарфи камади, қуроқчиликка чидамлилиги ортади.
6. Минерал ўғитлар ер остига ювилиб кетмайди.
7. Ҳосилдорлик ва сифат ошади.

ёндашувларни қўллаш вазибалари белгилаб берилди.

Бу борадаги чора-тадбирлар давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 16 февралдаги “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги фармонида ҳам назарда тутилган. Хусусан, гумус билан кам таъминланган 1 миллион 200 минг гектар ер майдони унумдорлигини оширишга кейинги 3 йилга тақсимланган ҳолда субсидиялар ажратиш дастурини туманлар кесимида тасдиқлаш назарда тутилган. Тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида гумусга бой ўғитларни қўллаш учун БХМнинг 3 баравари миқдорда ва давлат боджетида субсидия ажратиш ҳамда ижросини таъминлаш вазибалари алоҳида кўрсатиб ўтилган.

2025 йилда ушбу амалиёт синов тариқасида амалга оширилиб, самарали натижа кўрсатди. Утган йили тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 13 та тумандаги фермерларнинг 54,2 минг гектар пахта майдонларида гумусли ўғитларни қўллаш учун давлат боджетида 55,8 миллиард сўм миқдорда субсидия ажратилди. Натижада ҳар гектар пахта ердан 2024 йилдаги ўртача 28,2 центнер ўрнига 2025 йилда гумусли ўғит қўлланган ҳолда 37 центнер ҳосил олинди.

### Тупроқ таназзули ва шўрланишни камайтириш

Ернинг таназзулга учраши инсониятнинг энг йирик муаммоларидан бўлиб, ундан ер юзининг 40 фоизи ҳамда 3,2 миллиард одам азият чекомқда. Марказий Осиёда ерларнинг 37 фоизи, Ўзбекистонда 26 фоизи деградацияга учраган, шўрланиш даражаси 40 фоизни ташкил қилади. Тупроқдаги гумус миқдори камайиши натижасида тупроқнинг намликни сақлаш хусусияти пасайиб, филтрация кучайиб, ўсимликлар озиқланиши

вийл, илди чириши, гоммоз каби бир қанча касалликлар кўпайиши кузатиляпти. Шу билан бирга, ер ости захкаш, коллектор, дренаж, сизот сувларда туз ва токсикологик бирикмалар кўпайиб, шўрланишни кучайтиради, улардан экинларни қайта сугоришда фойдаланганда, кўчатлар нобуд бўлмоқда. Натижада ҳосил камайиб, харажатлар кўпаймоқда.

Тупроқнинг шўрланиши ўсимликларнинг илди тизими атрофида енгил эрийдиган тузларнинг йиғилиши бўлиб, унинг натижасида қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги пасаяди ва агроландшафтлар деградацияга учрайди.

Орол денгизи қуриши билан мамлакатимизда шўрланиш жараёни кучайди. Бунга нотўғри сугориш ҳамда ер ости сувларининг кўтарилиши асосий сабаб сифатида қараб келинади. Ўзбекистондаги ҳайдалиб деҳқончилик қилинадиган тупроқларнинг анчагина қисмида шўрланганлик даражаси баянда, бу эса ушбу тупроқларда шўрланишга сезгир

ҳамда шўрланган жинслар сабаб, иккиламчи шўрланиш эса сугориш тизими самарасизлиги, дренаж йўқлиги, шўрланган сув билан сугориш ҳамда агротехникадан бузиб фойдаланиш оқибатида пайдо бўлиши ҳақида газетхонларга маълумот бериш ўринлидир.

Бу муаммонинг қандай ечими бор?

Қадим давлардан бери бу борада турли усуллардан фойдаланилади. Масалан, шўрланган тупроқни ювиш, самарали дренаж тизimini яратиш, шўрланган тупроқни гипслаш ва шўрга чидамли ўсимлик навларини экиш кабилар тавсия қилинади. Шўрга чидамли микроорганизмлардан фойдаланиш эса замонавий усуллардан. Ўзбекистон Фанлар академиясини Микробиология институтида ана шу усулдан фойдаланилиб шўрланган тупроқларда самарали бўлган мултиштамм консорциумлар яратилган ва уларни амалиётда қўллаш шароитлари аниқланиб, патентлар билан ҳимоя қилинган.

Масалан, шўрда ўсадиган ўсимликларнинг ризосферасидан ажратиб олинган,

### ТУПРОҚЛАРНИ ШЎРДАН ТОЗАЛАШ 2 ВАРИАНТДАН ИБОРАТ:

**1-вариант: ФИТОБИОСОЛ препаратининг 6 литрини 60 литр сувга аралаштириб, 1 га ерга етадиган уруғни ивйтиб экилади.**

**2-вариант: ФИТОБИОСОЛ препаратининг 6 литрини 1 га ерга сарфланадиган томчилаб сугориладиган сувга аралаштириб берилади.**





# ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИНING ЯНГИ ШАКЛИ

## молиявий барқарорлик ва аниқликка асосланади

**Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қамрови йилдан йилга кенгайиб, тизим тарихида бўлмаган амалиётлар қўлланиляпти. Хусусан, давлат ижтимоий суғуртаси борасида ҳам туб бурилиш сифатида халқаро тажриба амалиётга татбиқ этиляпти.**

2025 йил 9 декабрдаги “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун, аввало, давлат ташкилотларида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ва хусусий сектордаги ходимларнинг ижтимоий тенглигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур қонун, айниқса, аёлларнинг расмий бандлигини таъминлашга қаратилгани билан қимматли.

Хўш, ижтимоий тенглик, расмий бандлик масалалари қай тартибда ўрнатилди? Янги тизимнинг моҳияти, афзалликлари нимада, жамиятга нима беради?

Шу каби саволлар юзасидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги масъл ходимлари билан давра суҳбатига фикр алмашдик.

**Мадина АЗИЗОВА,**  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мухтассиси:



— Бугун янги Ўзбекистондаги ижтимоий ислохотларда инсон манфаатлари биринчи ўринга қўйилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий соҳадagi ислохотларнинг энг муҳимларидан бири давлат ижтимоий суғурта тизимининг жорий этилиши бўлди. Тизимни тавсифлашдан аввал ижтимоий суғурталанишга олиб келадиган ҳолатларга тўхталасан. “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонунга асосан касаллик сабаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, шундан бўшатилиш каби ҳолатлар суғурта ҳодисалари деб эътироф этилган. Ушбу ҳолатлар юзага келганда суғурталанган шахсга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, шундан бўшатиш нафақаси тўланади.

Нафақаларни тайинлаш ва тўлов шаффоф бўлиши учун давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар фуқароларнинг суғурта стажига ва суғурта бадалига кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси орқали тўланади. Бу фуқаро учун ҳам, иш берувчи учун ҳам манфаатли, аниқ қоидаларга асосланади. Биринчи навбатда, ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш масаласида тенглик таъминланади. Мақсад — аёллар бандлигини ошириш, фуқароларнинг оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолганининг олдини олиш, камбағаллик хавфини камайтириш, расмий бандликни рағбатлантириш.

Айримларда “Ниманинг эвазига давлат хусусий сектордагиларнинг нафақасини ўз зиммасига олипти? Бу амалда бўлармикан еки қуруқ гапти?” деган саволлар турғилипти. Шу маънода, жамғарма маблағи қандай шаклланиши, нафақалар тайинланиши тартиби, январь ойидаги натижалар ҳақида кенг оммага маълум бериб бораёмиз.

**Рустам ҲИҚМАТОВ,**  
Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси бўлим бошлиғи:



— Одамларда ишончсизлик бўлишини ҳам тўғри тушуниш керак. Чунки шу пайтгача касаллик ва ҳомиладорлик нафақаларини тўлаш асосан иш берувчилар зиммасида ва ихтиёрида бўлган. Хусусий секторда ишлаётганларнинг аксарияти шу пайтгача касаллиги, фарзандли бўлгани учун нафақа пули олишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Узоққа бормайлик, ўтган йили 168 мингта яқин декрет варақаси очилган бўлса, шундан 118 мингтаси бюджет ташкилотлари ҳиссасига тўғри келган ва нафақалар 100 фоиз тўлаб берилган. Хусусий секторда эса 50 мингта яқин декрет варақаси учун аттиги 15 минг (30 фоиз) аёлга декрет нафақаси тўлаб берилган.

Қонун билан мустаҳкамланган, молиявий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятларга таянган давлат ижтимоий суғуртаси тизими шунга туширилди. Ҳамкасбим айтганидек, яшардаги илк маълумотларини оммага тақдим этдик. Дастлабки ойда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси бўйича Давлат ижтимоий суғуртаси жамғармасига 11,6 мингта касаллик варақаси келиб тушган. Шундан 9000 таси бўйича 103,5 миллиард сўм миқдоридagi нафақа тайинланган. Қолган 2600 та меҳнатга лаёқатсизлик варақасидан 1600 таси бўйича фуқаролар расмий иш билан банд бўлмагани еки суғурта стажига бадалли ушбу жамғармага йўналтирилди. Шунингдек, давлат бюджети ҳисобидан ҳам маблағ ажратилди. Жамғарма маблағи солиққа тортилмаслиги, тўлиқ ижтимоий тўловлар учун сарфланиши ҳам сезиларли маблағнинг одамлар ҳисобига ўтишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам 2026 йилда Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси орқали 185 мингта яқин аёлга декрет нафақаси, июндан бошлаб эса 600 мингта яқин фуқарога касаллик нафақаси автоматик, яъни мурожаатсиз тарзда тўлаб берилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун жорий йилда жамғарма ҳисобидан 3,4 триллион сўм йўналтирилди.

Бу амалиётда, албатта, ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилган. Зеро, бугун ҳар бир соҳада халқаро тажриба ўз сўзини айтаяпти.

**Азиз ЭШБОЕВ,**  
Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси бош мухтассиси:

— Чиндан ҳам, ҳозир барча жабҳада хорижий тажрибага асосланиляпти. Давлат ижтимоий суғуртаси (давлат томонидан бошқариладиган пенсия, ишсизлик нафақаси, тиббий суғурта, болалар нафақаси каби тизимлар) кўплаб давлатда мавжуд. Уларнинг тажрибаси ва қатор халқаро ҳужжатлар ўрганилганда аҳолини ижтимоий суғурта билан қамраб олиш қонун даражасига олиб чиқилгани ва мустаҳкамлангани кўринади. Германияда ижтимоий суғурта тизими жуда ривожланган, Францияда аҳолининг катта қисми давлат ижтимоий ҳимоясига қамраб олинган, Швецияда кенг қамровли ижтимоий таъминот, Японияда мажбурий ижтимоий суғурта тизими мавжудлиги шулар жумласидан.

Ўзбекистонда ҳам ижтимоий суғуртага оид муносабатлар қонун даражасида мустаҳкамланган. Янги тизим халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган ҳолда бошқичма-бошқич йўлга қўйилди. 20 дан ортиқ ривожланган,




ривожланаётган ва бошқа турдаги давлатлар тажрибасидан нафақалар қай тартибда тайинланиши, стаж қандай юритилиши ва тўлов қачон, қай тарзда, қанча ахборот тизимлари орқали тўлаб берилиши қабул ўрганилди. Юқоридagi айтилганидек, аёллар бандлиги, фуқароларнинг оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолганининг олдини олиш бу жараёнда бирламчи аҳамият касб этади.

**Мадина АЗИЗОВА:**

— Ҳамкасбимнинг халқаро тажриба ҳақидаги фикрларига жонли бир мисол қўшимча қилмоқчиман. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси масълулари яқинда Малайзияда ўқув сафарига бўлди. Асосий мақсад — илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Ўзбекистонда давлат ижтимоий суғуртаси тизимини бошқичма-бошқич жорий этишга тайёргарлик кўриш. Юқоридagi қонунга кўра, мамлакатимизда ишдан бўшатиш нафақасини тайинлаш 2030 йилга қадар йўлга қўйилди. Малайзия айнан шу йўналишда, яъни ишдан бўшатиш нафақаси, ишсизлик нафақасини жорий қилган давлатлар орасида 50 йилдан ортиқ илгор хорижий тажрибага эга давлат сифатида дунёда етакчи ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда қонун ижросини самарали ташкил этишга тайёргарлик кўрилиб, Малайзия тажрибаси ўрганиляпти.

Ўзбекистонда ҳозир давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги ислохотлар малайзиялик экспертлар томонидан юқори баҳоланди. Улар мамлакатимиздаги ислохотларни янада такомиллаштириш ва йўлга қўйиш борасида ҳар қандай ёрдамга тайёр экани кувонарли. Такомиллашув эса Ўз-ўзидан жараён иштирокчиларига қулайликлар яратаяпти.



## Ислохотлар самараси

Тизим тўлиқ автоматлаштирилган. Бугун рақамлаштирилмаган соҳанинг ўзи деярли қолмади. Зотан, рақамлашувнинг моҳияти, манфаати одамларнинг кундалик ҳаётида акс этапти.

Асосий ҳужжат — электрон меҳнатга вақтинчалик лаёқатсизлик варақаси. Фуқаро, хусусан, аёллар поликлиникага борганда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилади. У “Ягона тиббий ахборот тизими”да расмийлаштирилди ва автоматик равишда “Ижтимоий суғурта” ахборот модулига юборилди. Жамғармага келиб тушган ҳужжат маълумотлари бу ердаги ахборот тизимлари орқали текширилади. Яъни суғурта стажига, ўртача ойлик иш ҳақи аниқланиб, шунга мунособат равишда нафақа тайинланади. Нафақа тайинлангани ҳақида фуқаронинг телефон рақамига СМС боради. Фақат фуқаролар меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилганда ўз маълумотларини тўлиқ ва аниқ тақдим этиши лозим. Биринчи рақамни хато айтганингиз ҳамма нарсдан бе-хабарликка (СМС келмаслиги), қайта ҳужжат тайёрлашга олиб келади. Юқоридagi айтилганидек, рақамлаштириш аслида овозгарчиликларга йўл қўймайди, шунингдек, жамғарманинг расмий сайтыда фуқаролар учун мурожаат қилиш ҳамда тайинланган нафақалар миқдорини онлайн ҳисоблаш (калькулятор) имконияти, давлат ижтимоий суғуртаси тизими доирасидаги мурожаатларни Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Call марказига қамраб олиш мавжудлиги қабул ҳам инсон қадри учун, албатта.

Сугуртанинг ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий шакли бўлиб, меҳнат шартномаси асосида ишловчилик автоматик равишда суғурталанади. Ўзини ўзи банд қилганлар, яққа тадбиркорлар, чет элдан ишлаётган фуқаролар эса ихтиёрий равишда суғуртага қўшилиши мумкин. Ҳомиладорлик ва туғиш учун касаллик варақаси одатда 126 кун еки 140 кунга очилади. Фуқаронинг суғурта стажига кўра қанчалик кўра юз фоизга қўлланади. Масалан, 10-24 ойлик суғурта стажига 75 фоиз, 25-60 ойга 85 фоиз, 61 ой ва ундан ортигига 100 фоиз нафақа тўланади.

Касаллик нафақаси бўйича ҳам, биринчи навбатда, шахс расмий банд бўлиши, қолаверса, камиди 6 ой суғурта стажига бўлиши шарт. Касаллик даври бўйича тўловлар 182 кунгача жамғарма томонидан қопланади. Бу ҳам иш ҳақи ва суғурта бадалларига боғлиқ бўлиб, 6-96 ой суғурта стажига 60 фоиз, 97 ой ва ундан ортигига 80 фоиз нафақа тўланади.

Ихтиёрий суғуртада ҳар ой энг кам суғурта бадали тўланади. Ҳар бир тўланган ой фуқаро учун суғурта стажига ҳисобланади. Камиди 10 ой бадал тўлангандан кейин декрет нафақасини олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Ҳозир энг кам суғурта бадали 63 минг 550 сўм.

**Азиз ЭШБОЕВ:**

— Шу ўринда суғурталанган шахслар учун нафақа миқдори қандай ҳисобланади деган савол туғилиши табиий. Келинг, шунга батафсил иҳоз бериб кетайлик.

Нафақа миқдори = Ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи) × 25,3 (иш кунларининг ўртача ойлик сони) × СК (стаж коэффициент) × КС (декретнинг кунлари сони). Мисол учун, ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олувчининг ўртача ойлик иш ҳақида кўйилган миқдорлар ҳисобга олинди: 10 ойдан 2 йилгача 75 фоиз; 2 йилдан 5 йилгача 85 фоиз, 5 йил ва ундан ортиқ муддатта 100 фоиз. Бунда нафақа олувчининг ўртача ойлик иш ҳақи суғурта ҳодисаси юзага келган ойдан олдинги 12 ой давмида ҳисобланган барча иш ҳақи жами 12 ойга (агар 12 ой тўлиқ ишланмаган бўлса, амалда ишланган ойлари сонига) бўлиш орқали аниқланади.

Мазкур тартибда аниқланган ўртача ойлик иш ҳақида суғурта стажига мос коэффициент (75/85/100 фоиз) ва декрет кунлари сони қўлланади, умумий нафақа суммаси чиқарилади. Ихтиёрий асосда суғурталанганлар учун ҳам умумий формула бир хил, фақат ўртача ойлик иш ҳақи тўланган суғурта бадалидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган шартли ойлик иш ҳақи ҳисобланади.

**Рустам ҲИҚМАТОВ:**

— Айтганингиздек, инсон қадри, айниқса, ижтимоий соҳада яққол кўринади. Давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизими расмий ишланган рағбатлантирди. Яъни меҳнат қилётган инсон меҳнатига яраша рағбат ҳам олиши керак. Нафақалар фуқаронинг суғурта стажига ва ўртача ойлик иш ҳақига боғлиқ бўлади. Демак, фуқаро қанча узоқ муддат расмий ишласа ва суғурта тизимига қатнашса, унинг ижтимоий ҳимояси шунчалик кучли бўлади. Қисқа қилиб айтганда, суғурта стажининг кўпчилиги — нафақанинг юқорилиги.

Сугуртанинг ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий шакли бўлиб, меҳнат шартномаси асосида ишловчилик автоматик равишда суғурталанади. Ўзини ўзи банд қилганлар, яққа тадбиркорлар, чет элдан ишлаётган фуқаролар эса ихтиёрий равишда суғуртага қўшилиши мумкин.

Ҳомиладорлик ва туғиш учун касаллик варақаси одатда 126 кун еки 140 кунга очилади. Фуқаронинг суғурта стажига кўра қанчалик кўра юз фоизга қўлланади. Масалан, 10-24 ойлик суғурта стажига 75 фоиз, 25-60 ойга 85 фоиз, 61 ой ва ундан ортигига 100 фоиз нафақа тўланади.

Касаллик нафақаси бўйича ҳам, биринчи навбатда, шахс расмий банд бўлиши, қолаверса, камиди 6 ой суғурта стажига бўлиши шарт. Касаллик даври бўйича тўловлар 182 кунгача жамғарма томонидан қопланади. Бу ҳам иш ҳақи ва суғурта бадалларига боғлиқ бўлиб, 6-96 ой суғурта стажига 60 фоиз, 97 ой ва ундан ортигига 80 фоиз нафақа тўланади.

Ихтиёрий суғуртада ҳар ой энг кам суғурта бадали тўланади. Ҳар бир тўланган ой фуқаро учун суғурта стажига ҳисобланади. Камиди 10 ой бадал тўлангандан кейин декрет нафақасини олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Ҳозир энг кам суғурта бадали 63 минг 550 сўм.

**Азиз ЭШБОЕВ:**

— Шу ўринда суғурталанган шахслар учун нафақа миқдори қандай ҳисобланади деган савол туғилиши табиий. Келинг, шунга батафсил иҳоз бериб кетайлик.

Нафақа миқдори = Ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи) × 25,3 (иш кунларининг ўртача ойлик сони) × СК (стаж коэффициент) × КС (декретнинг кунлари сони). Мисол учун, ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олувчининг ўртача ойлик иш ҳақида кўйилган миқдорлар ҳисобга олинди: 10 ойдан 2 йилгача 75 фоиз; 2 йилдан 5 йилгача 85 фоиз, 5 йил ва ундан ортиқ муддатта 100 фоиз. Бунда нафақа олувчининг ўртача ойлик иш ҳақи суғурта ҳодисаси юзага келган ойдан олдинги 12 ой давмида ҳисобланган барча иш ҳақи жами 12 ойга (агар 12 ой тўлиқ ишланмаган бўлса, амалда ишланган ойлари сонига) бўлиш орқали аниқланади.

Мазкур тартибда аниқланган ўртача ойлик иш ҳақида суғурта стажига мос коэффициент (75/85/100 фоиз) ва декрет кунлари сони қўлланади, умумий нафақа суммаси чиқарилади. Ихтиёрий асосда суғурталанганлар учун ҳам умумий формула бир хил, фақат ўртача ойлик иш ҳақи тўланган суғурта бадалидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган шартли ойлик иш ҳақи ҳисобланади.

**Рустам ҲИҚМАТОВ:**

— Айтганингиздек, инсон қадри, айниқса, ижтимоий соҳада яққол кўринади. Давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизими расмий ишланган рағбатлантирди. Яъни меҳнат қилётган инсон меҳнатига яраша рағбат ҳам олиши керак. Нафақалар фуқаронинг суғурта стажига ва ўртача ойлик иш ҳақига боғлиқ бўлади. Демак, фуқаро қанча узоқ муддат расмий ишласа ва суғурта тизимига қатнашса, унинг ижтимоий ҳимояси шунчалик кучли бўлади. Қисқа қилиб айтганда, суғурта стажининг кўпчилиги — нафақанинг юқорилиги.

Бир ойлик иш ҳақи миқдори кўйилган тартибда аниқланади.

Бир ойлик иш ҳақи = тўланган суғурта бадали + суғурта бадали ставкаси (фоиз) × 100. Масалан, аёл ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ихтиёрий равишда 2026 йил январь ойи учун жамғармага 150 минг сўм миқдорда суғурта бадали тўлади. Ушбу фуқарога нафақа ҳисоблашда унинг 2026 йил январь ойи учун 3 000 000 сўм миқдорда иш ҳақи аниқланади. Яъни тўланган суғурта бадали (бир юз эллик минг) + суғурта бадали ставкаси (5 фоиз 2026 йил учун суғурта бадали ставкаси) × 100 = 3 000 000 сўм.

Албатта, мажбурий ва ихтиёрий тизимда суғурталанган шахслар тенг ҳуқуқли бўлади.

Агар фуқаро энг кам миқдор — 63 минг 550 сўм миқдорда тўлов қиладиган бўлса, унга бугун 1 миллион 271 минг сўм миқдорда ойлик иш ҳақи ва шу миқдордан келиб чиқиб, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ўртача ҳисобда ҳисобланади. Янги тизим бўйича байрам ва дам олий кунлари олиб ташланган ҳолда энг кам тўлов қилган фуқароларимизга 4 миллион сўмга яқин нафақа тўлаб берилди.

Ҳужжатга асосан, суғурта тўловлари ҳомиладорлик ва туғиш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликда фуқаро мурожаатсиз “проактив” шаклда, ишдан бўшатиш нафақаси эса фуқаронинг мурожаати асосида тайинланади. Бу тизимнинг тўғри ишлларида иш берувчиларнинг масълулияти жуда муҳим. Маълумотлар ўз вақтида ва тўғри киритилмаса, нафақалар нотўғри ҳисобланиши еки умуман тўланмаслиги мумкин.

**Рустам ҲИҚМАТОВ:**

— Ўз-ўзидан нафақа тайинлаш бутунлай рад этилиши мумкинми деган савол ҳам туғилади. Бунга жавобан нафақа тайинланмаслигининг иккита асосий сабаби келтирилади. Биринчиси — фуқаронинг расмий банд эмаслиги ва белгиланган суғурта стажига эга бўлмагани. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси учун камиди 10 ой суғурта стажига, касаллик, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик учун 6 ой суғурта стажига керак. Шу талабларга жавоб берилмаганда нафақа тайинланиши рад этилади.

**Азиз ЭШБОЕВ:**

— Фуқароларнинг иш стажига, суғурта стажига, касаллик варақасини, улар ҳақидаги ихти-моий суғуртага зарур маълумотларни олишда идораларо интеграциялашув жуда кўл келади. Чунки, “Ижтимоий суғурта” ахборот модулига ҳар битта тегишли масълу вазирлик ва идоралар маълумотлари интеграция қилинган. Бу орқали, аввало, маълумотлар алмашинуви такомиллаштириб борапти. Энг кераклиси, фуқаролар солиққа тегишли охириги иш ҳақи тўғрисидаги еки бошқа ҳолатлар бўйича ҳар кунга маълумот талаб этилмайди. Зеро, бир идорага бориб соғлаб куттиш жараёнига барҳам берадиган тизим яратилди. Тегишли масълу ташкилотлар билан маълумотлар ўзаро интеграция қилинган. Касаллик варақаси автоматик тарзда тегишли вазирлик ва идоралар маълумотлари томонидан ўрганилиб, ҳисобланади. Фуқарога “Шу қарангизми шунча миқдорда нафақа тайинланди ва тўлаб берилди” деган СМС тарзида хабар юборилади. Бу банкка мурожаат қилиб еки бошқа жоғи бориб пул олиш ҳолатларига барҳам беради.

Юқорида тилга олингандек, бугун ҳар бир соҳада, хусусан, ижтимоий ҳимоя борасида инсон қадри улуғланаётгани кўринапти. Бунинг одамларнинг ўзи ҳам эътироф этаётди. Айниқса, давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизимдан баҳар бўлаётган юртдошларимиз бундан мамнун. Бироқ ҳали бу ҳақида билмаганлар ҳам кўп. Зеро, ҳар қандай янги тизим тарғибот-ташвиқ ишларини қучайтиришни талаб қилади.

\*\*\*

Ҳа, яна бир манфаатли қонуннинг қабул қилиниши, у орқали адолатли тизимнинг ишга туширилгани халқимизнинг ёруғ эртасино бутунги фаровон ҳаётига хизмат қилади. У орқали ходимларни ижтимоий ҳавфлардан ҳимоялаш, меҳнат бозорида барқарорликни оширишга эришиш ният қилинапти. Хайри амаллар, эзу сый-ҳаракатлар аҳоли учун жуда муҳим ҳаёт-шартларни яратаяпти. Касаллик еки ҳомиладорлик даврида фуқаролар даромадсиз қолиб кетмайди.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**  
**Муножат МҲМИНОВА эзиб олди.**

## Рамазон — меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи

# ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРНИ Қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу ишлар

Давлатимиз раҳбарининг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарориди белгиланганидек, “Рамазон — меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи” эзгу ғояси асосида Сурхондарёда ҳам кексалар, ёлғиз ва эҳтиёжманд фуқаролар ҳолидан хабар олинмоқда, оғир аҳволга тушиб қолган оилаларга амалий кўмак берилмоқда.



Айни жараёнда эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, ногиронлиги бор шахсларнинг даволаниши ва жарроҳлик амалиётлари харажатларини қоплаб бериш кабиларга Сурхондарё вилоятига 45 миллиард сўм ажратилган. Хусусан, Рамазон ойи давомида 15 мингта яқин оиллага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар эса 8 минг 290 та оиллага зарур маҳсулотлар етказиб берилди. Жараёнда ҳар бир маҳалладаги эҳтиёжманд оилаларнинг аниқ ва шаффоф рўйхати шакллантирилиб, ёрдамлар уларга тенг ва адолатли тарзда етказилляпти.

— Инсон қадрини улуглаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган эзгу ишлар, айниқса, муқаддас Рамазон ойида янада ёрқин намоён бўлиб, саховат ва ҳамжиҳатлик қадриятлари мустаҳкамланяпти, — дейди Сурхондарё вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Абдухалил Абдуназаров. — Хонадонларда ўтказилаётган хайрия ифторлик тадбирлари ҳам юртдошларимизга ўзгача хуш кайфият бағишляпти.

Раяно Авазова Термиз шаҳридаги Пат-таксар маҳалласида воғга етмаган тўғри фарзанди билан яшайди. Боқувчансини

йўқотгандан сўнг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оиллага хайрия ифторлик дастурхони ёзилди. Унда эҳтиёжманд оилалар вакиллари, маҳалла нурунийлари, кўни-қўш-нилар жам бўлди. Улар кўрсатиладиган бу ғамхўрликдан мамнун ва миннатдор.

Термиз шаҳридаги Абдурахмон Жомий МФИда истиқомат қилаётган, ижтимоий



кўмакка муҳтож Садатовлар хонадониди ёзилган хайрия ифторлик дастурхонида эса маҳалла нурунийлари, оила аъзолари жам бўлди.

— Файзли дастурхон атрофида кечган суҳбатлар жараёнида ҳудудлар ободлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар ҳақида сўз юритилди, — дейди маҳалла раиси Аллаёр Келдиёров.

Бу каби хайрия тадбирлари, ифторлик маросимлари вилоятнинг дарома тазом ва шаҳарларидagi маҳаллаларда давом этмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг топшириги асосида Сурхондарёда ҳам 15 та деҳқон бозори ва савдо мажмуасида Рамазон ойида деҳқон бозорлари ва йирик савдо комплексларида арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркалари очилган.

Ички бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаб, а



Ифтихор

# Хайрулланинг жасорати

Ўзбекистон Президенти Санкт-Петербург шахрида содир бўлган фавкулда ва мураккаб вазиятда ўз жони ва саломатлигини хавф остига қўйиб, кўп қаватли уйнинг юқори қисмидан тушиб кетган болакайнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаб қолгани учун юртдошимиз Хайрулла Ибодуллаевни "Жасорат" медали билан мукофотлади.

Бу дунёда инсон бўлиб Яшаш ўзи матонатдир. Битта инсон боласини Кутқармоқ ҳам жасоратдир.

Тирикчилик деб юргандинг Сен етти ёт элларда. Ўзбек номин яна бир бор Достон қилдинг тилларда.

Ўвузлик ва инсонийлик — Дунё икки тарафдир. Битта инсон боласини Асраб қолмоқ шарофдир.

"Қайдан экан? Ким экан?" деб Сўраганлар кўп бўлди. Ватандошлар, ёру дўстлар — Кўп бўлса ҳам хўб бўлди.

Кутқармишдир ирқ талашмай Қошу кўздек боласи — Битта ўрис боласини, Битта ўзбек боласи.

Осмоғупар уйдан ногоҳ Кўчиб тушдинг, болажон. Бир ўзбекнинг қучоғига Учиб тушдинг, болажон.

Ўзбек бағри меҳр учун Мангу очик бағирдир. Бу меҳрин билмаганлар Билсанг хору сағирдир.

Икки юз минг зор етимга Паноҳ бўлган миллатсан. Давлатсанки, миллатинг бор, Миллатсанки — давлатсан!

Иш тутсайди бутун дунё Бир ўзбекдай қўл ушлаб — Ер юзиде қолмас эди Низола ва урушлар.

Сенга бўлсин олқишлару Ва энг олийшон рағбат. Раҳмат бўлсин, энг аввало, Ота-онангга раҳмат!

Полвон юртнинг ўғлонисан, Қашқадарё фарзанди. Амир Темур болаларнинг Чиноридан пайванди.

Танги элнинг дилбандлари Ранг-рўйи бўлмас сомон. Хайруллажон, омон бўлгин, Омон бўл, Хайруллажон!

Кўксингдаги "Жасорат"дан Гўё нурланди олам. Қайда бўлсанг хорлик кўрма, Жонинг сог бўлсин, болам!

Айтгум, мендан сўрсалар гар Қир-адиллар доласи: Ўзбекинг бир боласи-да, Оқдй ўзбек боласи!..

Сирожиқдин САЙИЙД, Ўзбекистон халқ шоири



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

BESH TASHABBUS OLIMPIADASI

## Спорт илҳомлари

# ДУНЁ ЭРУР ЭНДИ БУ МАЙДОН

## Сен майдонда Ўзбекистонсан!



Қутлибека РАҲИМБОЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

1:0. "Пахтакор — Арарат, 1:3" каби ёзувлар бўлади. Ғалабаларимизни қизил, мағлубиятларимизни қора рангда белгилаган бўлам. Бу ёзувлар шунчаки қайдлар эмас, балки бугунги кунгача босиб ўтганимизнинг умид сўқмоқларидир деб ўйлайман.

Институтимизнинг бош корпуси томига қичиб кузатилиш, Фарғонанинг "Нефчи" жамоасига тегишли стадион қафдагидек кўриниб турарди. Баъзан жисмоний тарбия факультети талабалари билан тоғга чиқиб, иккинчи лига ўйинларини кузатар эдим (биз улар билан бир ётоқхонада турардик, йўлакда битта телевизор бўларди, футбол томоша қилгани чиқганимда улар билан иноқлашиб кетгандим). Албатта, бундай томошаларда жаҳон чемпионатида қишқир орузу юрагимизнинг туб-тубига қўчиб кетарди. Бу орзуларнинг юзороққа қалқиб чиққан пайтлари қачон эканини айтмайми? Бирор Абдурайимов, сўнг Владимир Фёдоров, Михаил Анлар даври... Эҳ-ҳе, у даврларнинг ишқибозлиги оловли, оташли ишқибозлик эди.

Мен у пайтларда алақадор Тошкентда келгандим. Ўртанча тоғам бир гал мени кўргани келганида ижарада бирга турардик дугонам Мухтарам Улугова билан бизни "Пахтакор"нинг ўйинига олиб кирган эди. Футболчиларимиз либосининг орасидаги "8", "10", "11" рақамлари кўзимизга олов бўлиб кўринарди.

— Кўзингиз каттароқ оч, Миша!  
— Ҳожи, бўш келма!  
— Теп, Федя, теп! — дея томоғи бўғилиб қолгунча ҳайқираётган стадион аҳли орасида биз ҳам бор эдик. Бу фақат бизнинг овозимиз эмас, балки жаҳонга чиқишга умидланган қолган ўзбек футболчи ихлосмандларининг овози ҳам эди.

Афсус... Эсласам, ҳозир ҳам юрагим тилланади... "Пахтакор"чиларнинг осмони фалаклардаги ҳалокати туфайли йўша бўрмай, дугонам билан мотам тутганимиз. Ижара ўйимизнинг деворларига бошимизни уриб йўнганамиз. Ишонча айлана бошлаган умидларимизга яна дарз кетди. Аммо биз "Бўлди, бас, ҳаммаси тамом", демадик, этак силкитмадик. Ўзарларча янги футбол қадамларимиздан кўз тутдик. Миржалол Қосимовлар даври бошланди. Ўтган аср охирида миллий терма жамоамиз футбол бўйича Осиё чемпиони шарафига муяссар бўлганида яна умид даракларимиз гулга кира бошлади. Ўша йиллари дунёга келган гўдакларимизга Миржалол дея исм қўйдик. Эҳтимол, бешигда мириллолар улғаяётган хонадон аҳли "Менинг гўдакким ҳам адашига ўхшаб фақат ўзининг уйига эмас, ота-боболаримиздан мерос тупроғимизга янги ғурур байроқларини тикадиган ўғлон бўлсин", дея тилак тилашни билмагандир, аммо уларнинг ҳам қалби тубида ўзбек футболининг доғуриги етиб борган жугрофий кенгликлар янада кенгайишини кўриши орузу бор эди.

Ҳа, бу орзу йиллар давомида, ҳатто "Пахтакор" қўйи лигаларга тушиб кетган йилларда ҳам тирик эди, нафас олиб турди. У йилларнинг аламини шегра ҳам солганман. Ўшанда мактаб ўқувчиси бўлган ўғлимга атаганман бу шеърни. Наҳот "Футболчи бўламан", дер эди. "Пахтакор" клубининг машгулотларига ҳам қатнаган. Мурабийи "Профессионал футболни саломатлиги кўтармайди. Тўғрақларда чинқиса бўлади" деган. Мана ўша шеърдан бир парча:

Катта ўйинларда кичик юрагинг Худди Ўзбекистон дарвозасидай. Ҳар "гол"га жонингиз

келар тўлагинг. Енгиллиш ор-номус, шаян азасидай.

Мағлублик алами бепчоқ сўйса, Сени майдонларга келар

туширгим. Йигит енгилмайди юртини сўйса, Ишқинг енгилганин

ким қўрибди, ким?

... Бугун ўғлим ўттиз олти ёшга кирди. Биз ўша ўтган йилларда биримиз дунё майдонларига ўз байроғини кўтариб чиққан Францияга, бошқамиз Германияга, яна биримиз Англияга, бошқамиз Испанияга ишқибозлик қилдик. "Бургулар" дедик, "Шерлар" дедик. Баҳс бойладик. Икки дарвоза тарафга бўлиндик. Эсимда бор: жаҳон чемпионатларининг бирда оиламиз билан Италияга ишқибозлик қилганимиз. Ҳал қилувчи ўйин — финал ярим тунда бўлган. Асосий вақтда дуранг ўйналган. Пенальтилар сериясида терма жамоа дарвозабонининг маҳорати билан ўйин Италия фойдасига ҳал бўлган. Соат тонги тўртдан охиб кетганди. Биз — ота, ўғил, она, қиз роса шовқин солганимиз. Давра олиб, кўп қаватли уйни бошимизга кўтариб сақраганимиз. Шунда қўшиллардан бири ўйқули кўзлари билан қичиб "Ўзбекистон эмас-ку чемпион бўлган, бунча хурсандчилик қиласизлар?!!" деган эди.

Рост, нега бошқа бир мамлакатнинг ғалабасидан бунча суяндик? Балки қадим маданият бешиги бўлган давлат экани учундир... Балки "Буюкларга ҳавас қилсанг, ўша буюклик сенга ҳам насиб қилади" деган нақлни эшитиб катта бўлганимиз, юрагимиз тубида ҳали-ҳануз умид чўғи сўнмай, милтиллаб тургани учундир... Ҳар не бўлганда ҳам йиллар бизга бир ҳақиқатни ўргатди: бир одамнинг орузу бир одамнинг орузи экан. Ҳатто бир неча инсоннинг орузи ҳам бир неча инсоннинг умиди экан. Уларнинг йиллар тўзониде тарқалиб

кетмай, омон яшаб келаётгани ҳам бир нарсаларга арзийди, аммо асосий гап сен яшаётган мамлакат сибасида экан.

Қачонки "Беш ташаббус" ғоядан амалиётга айлана бошлагач, мактаблар ва маҳалларда стадионлар қурилиб, жижозлар билан бойитилгач, "спорт", жумладан, "футбол" тушунчаси ҳам юксалаётган байроқдек тиклана бошлади. Маҳалла ва мактаблардан иқтидорли ёшларнинг давра-давра бўлиб кириб келиши, спорт, жумладан, футбол йўналишида таниш-билишчилик ва коррупцияга қарши аёвсиз кураш бошлангани соҳанинг об-ҳавосини янгилади. Катта майдонларда кечган ҳар бир ўйин ўз изида тажриба ва сабоқлар қолдирди. Футбол уфқида янги қаҳрамонлар пайдо бўлди. Фидойи мураббийларнинг жонбозлиги ўйин натижаларида кўринди. Мағлубиятларимиз ғалабаларимиз соясида қола бошлади. Ўсмирларимизнинг Осиё чемпиони бўлганидаги қувончи ҳали "ҳазм" қилиб улгурмасамиздан миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди!

Бу мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигига катта эътибор, аҳолини соғлом ҳаёт тарзига ўргатиш йўлидаги узлуқсиз саъй-ҳаракатлар ҳамда тизимли спорт мусобақалари ташкил қилинишининг самараси ўлароқ вужудга келган ғалаба эди. Йўқ, бу ғалабанинг ўзи эмас, балки унга олиб борувчи йўл десак, тўғри бўлса керак. Йўлдаги одамнинг кайфияти қандай бўлади? Манзилга бешиксат, беталафот етиб боришини истайдим. Йўлдаги йўлдошлари ҳалол, адолатли бўлишини истайдим. Биз шундай кайфиятда эдик. Ана шу кайфиятда соат санаямиз. Миллат ҳаётида шундай даврлар бўладики, у катта мақсад атрофида бирлашиши шарт бўлади. Ўзини жамлаши, жисму жонидеги ҳар аъзосини ғалабага жон тиккан аскардай ҳозирлаши керак бўлади. Бугун шундай кун!

Океан ортига йўлга тушишга шайланиб турган терма жамоамизнинг барча аъзосига Яратгандан саломатлик сўрайамиз. Энг қадим даврларимиздан то шу кунгача она юртимиз шарафи учун курашган, ғолиб бўлган ёвқур аждодларимиз йўлини берсин деган тилакларда, чорлов ва ундовларимиз жо бўлган дуолар ичра туришимиз. Бундай кайфиятимиз шеър "тили"да тушунарлиқ, назаримда. Биткиларимнинг шу нуқтасида ич-ичимдан шеър келаяти:

Америказа — жаҳон чемпионатида йўл олаётган футбол бўйича миллий терма жамоамиз дарвозабонига:

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЪЖУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

\*\*\* Кетмай туриб тупроғимиз ўп, Юрт нақшини юракка чеккин. Дарвозангга йўлланган ҳар тўп Гурурини тирнар ўзбекнинг.

Оддий майдон эмас майдон, бил, Юрт нақшини юракка чеккин. Ғалабага бўлмайди кафил, Шунчаки бир истак ё хоҳиш.

Кетмай туриб байроғимиз ўп, Юрт ишқини юракка чеккин. Дарвозангга йўлланган ҳар тўп Жон жойига тегар ўзбекнинг.

Қўл-оёгинг бир жуфт кўмақдош, Келганда ҳам рақиблар зўри. Чин севига ҳар куч бермас дош, Дарвозангни ишқ билан қўри.

Дуодамиз, ҳамма бир тан, жон, Шараф туғи турган нишонсан. Дунё эрур энди бу майдон, Бу майдонда Ўзбекистонсан.

\*\*\* Футбол бўйича миллий терма жамоа ҳужумчиларица

Аскар бўлсин ҳар битта аъзонг, Ёниб турсин вужудинг, ёниб. Рўпарангда турган дарвоза Сен забт этар қалъадир — аниқ.

Ният улуг: ўйинмас — эрмак, Мардлик қилан олмоқ майдонни. Йигит жонинг нимага керак, Юрт шаъни деб тикмасанг жонни.

Дов бер ҳамятинг, оринган, Ўттиз тўрт йил армони билан. Коптқони теп, оёқларингга Замон берган дармони билан.

Теп, тепавер, янраганда "гол", Билинда борлик, боримиз. Алам ипи ечилар ҳар гал, Ёзилади биинр хуморимиз.

Яхши ният — ярим мол, асли, Учдикми ё ўндикми — марра. Сендан беҳад розимиз, рости, Розидирмиз минг, миллион карра.

Қайтиб келгач, қора кўзингга Она меҳри билан боқарман. Меҳрим конларидан кўксингга Олтин нишон ясаб тақарман.